

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Х У К М

2024 йил март ойининг 1 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья: Ж.Курбановнинг раислигида, Х.Махмадиярованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Жаллиев, судланувчи Г.Муродова ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Б.Иногамовларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан айбланган Муродова Гулноза Шерали қизига оид 1-1006-2409/69-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Муродова Гулноза Шерали қизи (Murodova Gulnoza Sherali qizi)**, 15.10.1991 йил Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, депутатликка сайланмаган, ҳарбий хизматга мажбур эмас, оилали, 3 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, давлат мукофотлари олмаган, вақтинча ишсиз, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, “Қорабулоқ” МФЙ, Қорабулоқ қишлоғи, рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, суднинг 2024 йил 14 февралдаги ажримига кўра қидирув эълон қилиниб, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига алмаштирилган, 2024 йил 24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддасига асосан ушланган, айблов хулоса нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**



Г.Муродова 2023 йил 18 декабрь куни соат 04:40 ларда ўзганинг мулкини бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-мавзеда жойлашган “Elif Hotel” номли меҳмонхонанинг 12-хонасида яшаб келиб, ушбу меҳмонхонанинг 13-хонаси эшиги очик қолганлигидан фойдаланиб, ичкарига кириб, мазкур хонада ухлаб ётган Ҳасанов Муроджон Бурхановичнинг шимини чўнтагида бўлган 525 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 18.12.2023 йилдаги маълумотига асосан 1 АҚШ доллари 12.377,49 сўм, 525 АҚШ доллари 6.498.182,25 сўм) миқдоридаги пулларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган ва пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган

Суд мажлисида **судланувчи Муродова Гулноза Шерали қизи** айбига иқрор бўлиб, 2023 йил 25 октябрдан буён Чилонзор тумани 19-мавзеда жойлашган “Элиф Хотел” номли меҳмонхонанинг

12-хонасида яшаб келаётганлигини, 2023 йил 18 декабрь куни ушбу меҳмонхонада ишловчи Муроджон исмли бола бир таниши билан бирга меҳмонхона ошхонасида гаплашиб ўтиришганлигини кўриб, уларни ёнига бориб гаплашиб ўтирганида, бироздан сўнг Муроджонни таниши кетганлигини, Муроджон билан бирга соат 03:30 ларга қадар меҳмонхона ошхонасида гаплашб ўтиришганлигини, ўша вақтда Муроджон чўнтагидан пулларини олган вақтида унинг пуллари борлигини кўриб қолганлигини, шундан сўнг Муроджон ухлаш учун меҳмонхонанинг 13-хонасига кириб кетганлигини, соат 04:40 ларда хонадан чиққан вақтида Муроджон ётган 13-хона эшигининг очик турганлигини кўриб, унинг пулларини ўғирлаш нияти пайдо бўлганлигини, унинг хонасига кирганида, Муроджон ухлаб ётганлигидан фойдаланиб, хонадаги стол устида турган шимининг орқа чўнтагидаги 525 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб чиқиб кетганлигини, бироқ унга тегишли бўлган банк пластик картасини олмаганлигини, ушбу пулларни соат 08:00 ларда Чилонзор метро бекати яқинидаги бозорда жойлашган банкоматдан сўмга алмаштирганлигини, бироқ аниқ неча пул бўлганлигини эслай олмаслигини, 6.500.000 сўм миқдоридаги пулларни “1ХВет” тотализаторида ўйнаб ютқазиб қўйганлигини, қилган ишидан пушаймон



эканлигини, етказилган зарарни қоплаш учун ҳозирда имконияти йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида **жабрланувчи Ҳасанов Муроджон Бурханович**, Чилонзор тумани 19-мавзеда жойлашган “Элиф Хотел” номли меҳмонхонада ошпазлик билан шуғулланиб келаётганлигини, 2023 йил 18 декабрь куни соат 02:30дан 03:30гача таниши Обид билан бирга гаплашиб ўтирганида, уларни ёнига шу меҳмонхонанинг миждози Гулноза исмли аёл ҳам келиб бироз гаплашиб ўтирганлигини, шу вақтда у ўзига тегишли бўлган пулларни чўнтагидан олган вақтида ўзбек сўми ва АҚШ доллари кўринишидаги пулларни Гулноза ҳам кўрганлигини, у пуллардан ўзига кераклисини олиб қолган 525 АҚШ долларини қайта шимимнинг орқа чўнтагига солиб қўйганлигини, ўша вақтда унга тегишли бўлган банк пластик картаси ҳам пулларини орасида бўлганлигини, шундан сўнг соат 03:30 ларда ишларини тугатиб, меҳмонхонанинг 13-хонасига кириб ухлашга ётганлигини, бироздан сўнг яна қайтиб чиқаман деб хона эшигини охиригача ёпмаганлигини, шимини ечиб хонадаги стол устига қўйганлигини, соат 12:00 ларда уйғониб шимини кийган вақтида чўнтагидаги пуллари ва банк пластик картаси йўқлигини сезиб, бошқа чўнтақларини ҳам қидириб топа олмаганидан сўнг пуллари ўғирланганлигини билиб, ҳолат юзасидан “102” қисқа рақамига хабар берганлигини, ўзига тегишли банк пластик картасини телефони ғилофининг ичига солиб қўйганини эслаб, банк пластик картаси ўғирланмаганини билганлигини, ҳозирги кунда унга етказилган зарар қопланмаганлиги сабабли Г.Муродовадан уни фойдасига 525 АҚШ долларини ундириб беришни ҳамда судланувчи Г.Муродовага қонуний чора кўришни сўради.

Суд ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига юридик баҳо бериб, судланувчи Г.Муродованинг мазкур жиноятларни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни жиноят иши ҳужжатларидаги жабрланувчи М.Ҳасановнинг аризаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, судланувчи Г.Муродованинг кўрсатувларини воқеа содир бўлган жойда текшириш баённомаси, нарсани кўздан



кечириш баённомаси ва фотоиловалар билан ҳам тўлиқ исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Муродованинг ўзганинг мулкини бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Муродовага нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, уни қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлиги, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, шундан икки нафар фарзанди тўрт ой ва икки ёшда эканлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, мазкур жиноятни ғараз ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддаси, яъни инсонпарварлик принципи ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддаси, яъни одиллик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан айбдор деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосининг энг кам қисмини тайинлашни лозим деб топади.

Суд етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Г.Муродованинг жиноий ҳаракати оқибатида жабрланувчи М.Ҳасановга 525 АҚШ доллари миқдорида зарар етганлигини инобатга олиб, суд ҳукми чиқарилаётган кунда 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 12.496.80 сўмни ташкил этишиши эътиборга олиб, судланувчи Г.Муродовадан жабрланувчи М.Ҳасановни фойдасига 6.560.820 сўмни ундиришни лозим деб топади.



Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**Муродова Гулноза Шерали қизи (Murodova Gulnoza Sherali qizi)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Г.Муродова 2024 йил 24 февралдан 1 март кунига қадар қамоқда сақланганлигини эътиборга олиб, ўташлик учун 2 (икки) йилу 11 (ўн бир) ой 23 (йигирма уч) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Г.Муродовага озодликдан чеклаш жазосини Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, “Қорабулоқ” МФЙ, Қорабулоқ қишлоғи, рақамсиз уйда ўташ белгиланиб, унга соат 23:00 дан 07:00 га қадар яшаш жойидан чиқиш чеклансин.

Ушбу жазо ижросини назорат қилиш маҳкум Г.Муродованинг яшаш жойи бўйича Қашқадарё вилояти, Китоб туман ИИБнинг зиммасига юклатилсин.

Г.Муродованинг зиммасига қуйидаги қўшимча таъқиқлар (чеклашлар) юклатилсин:

-озодликни чеклаш жазосининг дастлабки 3 (уч) ойи мобайнида етказилган моддий зарарни қоплаш;

-кафе, ресторан ва бошқа кўнгил очар жойларга бормаслик;

-оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

-тақиқловчи буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Қашқадарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик.

Жазони ўташ муддати Қашқадарё вилояти, Китоб туман ИИБнинг жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг 6-бандига кўра, Г.Муродова озодликдан чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин.

Г.Муродовага нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг Г.Муродовага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Г.Муродовадан жабрланувчи Ҳасанов Муроджон Бурхановичга 6.560.820 сўм (олти миллион беш юз олтмиш минг саккиз юз йигирма) сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Курбанов

**Маъсул судья: Курбанов Жаъфар Хайруллаевич**

